



2008 йил – Ёшлар йили



ИҚТИДОРЛИЛАР СИНОВИ

Кеча республикамизнинг барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтди

Бугунги кунда мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилаётган. Зеро, билимли, юксак салоҳиятга эга бўлган мутахассисларгина юрт келажагини белгилайди.

Кеча талаба бўлишни орзу қилган ҳар бир абитуриент ўз билимини синовдан ўтказди. Тошкент вилояти давлат педагогика институти ҳар галгидан гавжум бўлди. Бу йил институтимизга

7670 абитуриент ҳужжат асосида ўқишга қабул қилиниши кўзда тутилган. Бу йил Куролли Кўчлар сафидан ҳизматни ўтаб қайтган 137 нафар йигит имтизони гувоҳномалар билан ҳужжат топширган.

фари эса тўлов контракт асосида ўқишга қабул қилиниши кўзда тутилган. Бу йил Куролли Кўчлар сафидан ҳизматни ўтаб қайтган 137 нафар йигит имтизони гувоҳномалар билан ҳужжат топширган.

Тест синовлари Тошкент давлат аграр университетида ҳам ушқоқлик билан ўтди.

Улуғбек ҲАМРОКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЯДИ

Бўстонлик тумани Коронкул қишлоғи яқинидаги "Зангори олов" болалар соғломлаштириш оромгоҳида кўчиқларнинг олдини олиш бўйича ўзбек-япон халқаро семинари бўлиб ўтди.

Япониянинг "Жайко" халқаро агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда мамлакатимизда 2000 га яқин кўчки хавфи борлиги, уларни кузатиш, кечаётган жараёнлардан хабардор бўлиб туриш бахтисиз ҳолатларнинг олдини олиш имконини бериши, бу борада Япониянинг катта таърибига эга эканлиги таъкидланди. "Ўзбекистон Республикаси кўчкиларни мониторинг қилиш имкониятларини риёвчилантириш" лойиҳаси бўйича 2002 йили бошланган ҳамкорлик Кўчкилар юрт олимларининг тажрибаларидангина эмас, улар қўллаётган тадқиқот усулларидан ҳам мамлакатимизда фойдаланиш имкониятини бераётгани айтиб ўтилди.

Семинарда сўзга чиққан Япониянинг мамлакатимиздаги факулда ва мухтор олмаси Цутому Хираока жаноблари ўзбек ва япон гидрогеолог олимларининг илмий-техникавий ҳамкорлиги ҳар икки давлатнинг иқтисодий-сиёсий, маданий ҳамкорлигини янада кучайтиришига, Ўзбекистонда тўпланган таъриб Марказий Осиё минтақасининг бошқа давлатларидан ҳам кенг қўлланилиб, тинчлик ва тараққиётга хизмат қилишига ишонч билдирди. "Жайко" агентлиги вакиллари ва япониялик бошқа мутахассислар кўчкиларнинг ҳаракатини кузатиш бўйича Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар.

Анжуманининг расмий қисми низоҳида элчи Цутому Хираока жаноблари лойиҳа ижроси учун мўлжалланган 800 миң АҚШ долларлик ускуна ва жиҳозларнинг ҳужжатларини топширди. Япониядан бегараз ёрдам сифатида келтирилган бундай ускуналарни Бўстонлик туманида икки жойга ўрнатиш мўлжалланган.

Обиджон ИСМАНОВ.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислам Каримовнинг шу йил 12 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросига марказда ва жойларда муҳим аҳамият қаратиладиган.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

Бу борада Тошкент вилоятида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириляптир. Шаҳар ва туманларда ушбу кутлуг сана олдида "Мустақиллик – бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир" мавзусида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, танглик зиёлар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Зангиота туманидаги "Эшонгузар" кўрғонига бўлиб ўтди. Маънавий тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққанлар истиқлолнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, Президентимиз раҳнамолигида соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор қаратиляптигани, вилоятда амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий со-



ҳалардаги ўзгаришлар хусусида алоҳида тўхталдилар. Истиклолни авайлаб-асраш, бу дорилоним, фаровон кунларнинг қадрига етиш, ёш авлоднинг она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар бир юрдошимизнинг муқаддас вазифаси эканини таъкидладилар.

Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда.

Л. СУВОНОВ,
Уза мухбири.

БЕГАРАЗ ЁРДАМ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 17 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида ҳамда Ёшлар йилига бағишлаб "Экосан" халқаро ташкилоти "Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги" шiori остида тиббиёт муассасаларига ёрдам кўрсатиш хайрия миссияси ойлигини ўтказмоқда.

Бундан кўзланган мақсад – тиббиёт муассасалари ва ходимлари томонидан табиати муҳофазасидаги кўчки хавфи борлигини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигига эришишга "Экосан"нинг муруватпарварлик хиссасини қўшишдан иборатдир.

Жумладан, "Экосан"нинг ушбу хайрия миссияси ойлиги доирасидаги дастлабки тадбирда Тошкент тиббиёт академиясининг 1- ва 2-шифохоналари ва кам таъминланган ходимларига ҳамда Оролбўйи минтақасидан келиб даволанаётган беморларга жами 10 миллион сўмликдан зиёд бегараз ёрдам кўрсатилди.

Феруза ТўРАЕВА.

Ўқув машқлари

ТЕЗКОРЛИК ВА ЮКСАК САМАРА

ОЛМАЛИК шаҳрида факулдада вазиятлар оқибатларини бартараф этишни пухталаштиришга бағишланган кўмондон-штаб ўқув машқлари шу шор остида ўтди.

Вазият кутилмаганда "жиддийлашиб" кетди. Бир гуруҳ «куролланган безорилар» аммиак сақлаш омборига боқинчилик уюштиришга ҳақиқатда шоишлик хабар олинганда корхона ва ташкилотлар иш кунини эндигина бошлаган эди. Дарҳол тегишли хизматлар воқеадан хабардор қилиниб, бу факулдада аҳолини бартараф этиш, аҳолини шоишлик қўчириш бўйича штаб ташкил этилди.

Воқеа жойига "Аммофос" оқиқ ақциядорлик жамиятининг ҳарбийлаштирилган кутқариш гуруҳи биринчилардан бўлиб етиб келди. Улар ёнгина учирши бўлими билан ҳамкорликда атроф-муҳитга аммиак тарқалишининг олдини олишга киришишди. Шу мақсадда ҳосил қилинган сув пардалари вазиятнинг бирмунча енгиллаштирди. Вилоят факулдада вазиятлар бош-

қармаси кутқарувчилари эса жабрланганларни қидириш ва кутқаришга, уларга биринчи ёрдам кўрсатишга киришишди. Тиббиёт ходимлари ва санитар дружинилари жабрланганларга биринчи ёрдамни кўрсатиб, шифохоналарга олиб кет-




штиди. Бу орада жамоат тартибини сақлаш хизмати ходимлари тезкор ҳаракат қилиб, "куролланган босқинчилар"ни қўлга олишди. Бу воқеалар Олмалик шаҳар бошқарув идоралари ва фақаро хавфсизлиги хизматлари куч ва воситаларининг техноген хусусиятли факулдада вазиятлар оқибатларини бартараф этишга доир кўмондон-



штаб ўқув машқларидан бир шингил, ҳолос. Уч кун давом этган бу машқлар 29 июль кунини эрта тонгда махсус сигнал билан бошланди. Қисқа муддатда фақаро муҳофазасининг куч ва воситалари – 176 нафар кутқарувчи ва 42 та техника жамланди. Барча хизматлар тегишли топшириқ олгач, машқлар бошланди.

"Аммофос"да бошланган машғулотлар давомида "заҳарланиш" ахтимоли бўлган Сўфи Оллаев маҳалласи аҳолиси хавфсиз жойга кўчирилди.

Ўқув режасига мувофиқ сув, электр, газ таъминоти хизматлари томонидан иш-шотларни "тиклаш", жароҳатланганларни даволаш, уй ҳайвонларини қўйдириш касаллигига қарши эмлаш, ОТМК Мис бойитиш фабри-



касида фалокат юз берганида кутқарув-тиклаш, "Тонг" болалар оромгоҳида факулдада вазиятларда муҳофазалаш сингари қўллаб махсус ўқув машқлари ўтказилди. Уларда корхоналарнинг кутқарувчилари, ички ишлар хизмати ходимлари, "Қизил ярим ой" жамияти фаоллари, фақаролар, ишчи-хизматчилар иштирок эттишди. Машғулотлар кўмондон-штаб ўқув машқлари натижаларини муҳокама қилиш билан якунланди. СУРАТЛАРА: кўмондон-штаб ўқув машқларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

КҮЁШ НЕГА ТУТИЛАДИ?

АСЛИДА бу саволнинг жавобидан кўпчилик хабардор. Гап шундаки, Ер, Ой ва Кўёш табиат қонунлари мувофиқ маълум даврларда бир чизик бўйлаб жойлашган пайтда Ой Ер билан Кўёш ўртасида қолиб, унинг нурини тўсиб қўяди.

Кўни кеча ҳамюртларимиз табиатнинг ана шундай ноёб ҳодисасининг гувоҳи бўлишди. Соат 16 дан 15 дақиқа ўтганда Кўёш нури 60 фоиз тўсилди. Худди шу вақтда Россия худуди ва Сибирь ўлкасида Кўёшнинг тўлик тўтилиши кузатилди. Марказий Осиёда сўнгги марта Кўёш XVIII асрда тўлик тўтилган эди. Мутахассис олимларнинг фикрича, навбатдаги шундай ҳолат 2065 йилда юз бериши мумкин экан.



НУРОНИЙЛАР ТОШКЕНТ САЁХАТИДА

ЯҚИНДА ОҚҚУРҒОНЛИК БИР ГУРУХ НУРОНИЙ ОТАХОНУ ОНАХОНЛАР ТОШКЕНТГА САЁХАТГА КЕЛИШДИ. ОҚҚУРҒОН ТУМАНИ "НУРОНИЙ" ЖАМГАРМИСНИНГ МАЗКУР ТАШАББУСИНИ ВИЛОЯТ "НУРОНИЙ" ЖАМГАРМИСИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАДИ. Туман автобус-таксомотор саройи бунинг учун мини автобус ажратди.

Нуронийларимизни тарихий қадамжоларга саёхат ва зиёратга олиб бориш жамгармаимизнинг яхши амбаларидан, — деди туман "Нуроний" жамгармаси раиси Болтабой Юсупов. — Навбатдаги саёхатни уюштириш асносида хайрли мақсадларни кўзладиқ. Энг аввало, нуронийларимизга мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами олдидан пойтахтимизнинг кўзга кўринган жойларини томоша қилдирдик. Қолаверса, 2200 йиллигини нишонлаш арафасида турган азим Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан яқиндан таништирдик.

Саёхат аввалда нуронийлар Сангига мажмуасини зиёрат қилишди. Шундан сўнг Тошкентнинг қибғаси бутунлай ўзгариб кетипти, — дея суҳбатга қўшилди 16 набира, 2 чеваранинг бобоси Абдувақил ота Қодиров. — Аиникса, саёхат чоғида бизни очик чеҳра ва ширин сўз билан кутиб олишгандан бошимиз қушқанди. Бу ҳам бўлса мамлакатимизда қариялар алоҳида эътиборда эканлигини дарак.

Саёхат кун тартибига мувофиқ нуронийлар Темирийлар тарихи давлат музейи ва Шахидлар хотираси майдонини зиёрат қилишди. Шундан сўнг Тошкент телеминорасига кўтарилиб, 110 метр балиққанда азим пойтахтнинг бугунги гузал қиёфасидан баҳра олишди.

ХУРШИДА НАЗАРОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
СУРАТДА: саёхат нуронийларга бир олам қувонч бахш этди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Мустақиллик майдони бўйлаб давом этган саёхат уларнинг ҳар бирида илқ таассурот қолдирди. Мотамсаро она ҳайкали қоғда туриб, босиб ўтган умр йўлларини бир-бир ёдга олишган бўлса, Бахтияр она ҳайкалинини кузатиб, бугунги тинч ва фаровон ҳаёт барчамиз учун азиму муқаррам эканлигини, бу дорилоним кўнларнинг қадрига етиш зарурлигини таъкидлашди.

— Охири марта бундан 5 йил аввал Тошкентда бўлганим, — дейди 85 ёшли Мамат ота Урозбоев. — Уша вақтда кўрганларим билан ҳозир гувоҳ бўлиб турганларим орасида катта фарқ бор. Бутун шаҳар ям-яшил, озода, гулларга бурканган. Баланд-баланд, кўркам иморатлари айтмайсизми?! — Маматбой тўғри ай-

ИМКОНияТ БЕРАётГАН САМАРАЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИслоМ Қаримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчаптириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа ривожига муҳим омил бўлаётир.

Ушбу ҳужжатга кўра наслчилик ҳўжалиқлари ва "Ўзнасчилик" корхонаси асосий фаолият тури бўйича 2012 йилгача барча солиқ ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган бу борадаги ишларни самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яратилаётган бундай имкониётлар ҳамда наслчилик билан шуғулланаётган ҳўжалик ва қорхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши маҳсулдор қорамоллар сонини кўпайтириш, қорхоналарни замонавий жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг "Ўзнасчилик" қорхонаси томонидан чорва моллари зотини янада яхшилаш, наслчилик ҳўжалиқлари ва зооветеринария пунктларини юқори маҳсулдор уруғлар билан таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

— Қорхонаимизнинг солиқлардан ва четдан олиб келинадиган технологиялар учун тўловлардан озод қилингани соҳа ривожига янада кенг имкониётлар эшигини очмоқда, — дейди "Ўзнасчилик" қорхонаси раҳбари Фармон Назаров. — Ҳозирги пайтда виллоятимиз маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган 805 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳаллачилар бу борада кўзгин иш олиб бораётирлар.


Аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини янада жонлантириш мақсадида маҳаллаларимизда 1242 та тарғиботчилар гуруҳи ташкил этилди. 654 та маҳаллада маънавий хоналари, 368 та кутубхона Ўзбеки-

лайдиган "Минитуп" линияси олиб келинди. Бу ўзининг самарасини бераётир. Мисол учун, 2007 йили қорхонамиз 38 миллион сўм фойда олган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу рақам олтиш миллион сўмга етди.

Қорхона жамоаси ўтган йили 50 минг доза уруғлик ишлаб чиқарган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 200 минг дозадаги қадоқланган маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берди. Йил охиригача виллоятлардаги "Насл-хизмат" масъуляти чекланган жамиятлари ва ветеринария пунктларига яна 450 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш мўлжалланган.

Соҳада амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар халқимизни гушт, сўт ва сўт маҳсулотлари билан янада тўлароқ таъминлашга хизмат қилаётир.

Сайёра ШОЕВА, Ўза муҳбири.



2 август – Маҳалла куни

ЎЗБЕК МАҳаллалари азал-азалдан миллий қадриятлар ва маънавий маркази бўлиб келган. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотулик, эҳтиборманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш фазилатлари маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланиб келган.

Халқимизга ҳос ўзини-ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули жамият ҳаётида чуқур жой эгаллаганлиги бежиз эмас. "Маҳалла – ҳам ота, ҳам она" деган хикматли нақл ҳаётий ҳақиқатдир. Маҳаллада тинчлик, тотуликни таъминлашда, оилалини мустақамлашда, янги авлодни тарбиялашда маҳалла фаоллари алоҳида ўрин тутадилар. Ҳозирги пайтда виллоятимиз маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган 805 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳаллачилар бу борада кўзгин иш олиб бораётирлар.

Аҳоли ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини янада жонлантириш мақсадида маҳаллаларимизда 1242 та тарғиботчилар гуруҳи ташкил этилди. 654 та маҳаллада маънавий хоналари, 368 та кутубхона Ўзбеки-

ВАТАН ИҶРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

тон мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида айниқса кизгин иш олиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори асосида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида мустақиллик йилларида эриш-қан ютуқлар, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган чуқур илохотларнинг самаралари ҳақида суҳбатлар уюштирилаётир.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, маҳаллада

этиш маҳалланинг маънавий-ахлоқий муҳитига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида намоён бўлаётир. Маҳалла фаоллари баҳамжиҳат иш олиб борса самардорлик қўламини кенгайтириши тажриба тасдиқламоқда.

"Биз маънавий ҳаётимизни миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқот ва тафаккуримиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаб, маънавий оламимизни юксалтиришга интилар эканмиз, буларнинг барчаси маҳалла идорасига янада кўпроқ имкониёт бериш, унинг ҳуқуқий ва амалий ва-

қолатларини кенгайтириш билан бевосита алоқадор эканини ўзимиз яхши тасаввур қиламиз. Шу орқали биз эзгу мақсадимиз бўлмиш эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, улкан таърифлай оладиган ёшлар танловлари, аския ва кизикчилар чиқишлари, сахна кўринишлари, кўғирчоқ театри томошалари, маҳалла бадий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнография ансамбли концертлари уюштириляпти. Тури спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Тадбиркорлар, хунарманд-усталар, фермерлар ва ёшлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмалари намойиш этиляпти.

Одамлар қалбида юксак ишонч ва эътиқод қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий бой, ижтимоий фаол, жисмонан бақувват авлодни вожага етказиш, улларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олжаноб фазилатларни тарбиялаш, демократияни тарғиблаш, демократия жамият барпо этиш борасидаги интилишлар самардорлигини оширишда мустақиллик даврида янги-дан мазунга эга бўлган маҳаллаларнинг роли тобора оқиб ормоқда.

Комилжон ШОДИМЕТОВ, "Маҳалла" жамгармаси вилоят бошқаруви раиси.

Сarbast Plus қўшма қорхонаси лицензияли янги Tuborg Green пивосини ишлаб чиқара бошлади. Бу завод ишлаб чиқариш фаолиятининг биринчи халқаро савдо белгисидир.

TUBORG Энди ЎЗБЕКISTONДА

"Tuborg Green" – дунёнинг 100 дан ортик мамлақатида машҳур. Янгича кўриши, эски андозалардан кескин фарқи ҳам савдо белгисининг такрорланмас хусусиятидир.

"Tuborg" 1873 йилда Данияда ишлаб чиқарила бошлаган. Sarbast Plus қўшма қорхонаси эса Даниянинг Carlsberg пиво ишлаб чиқариш компанияси гуруҳига қаради. Ўзбекистон Республикасида ушбу лойиҳа сармоясининг умумий ҳажми 60 миллион евродан зиёд маблағни ташкил этади. Бугун эса бу пиво дунёнинг 25 мамлақатида ишлаб чиқарилади ва бутун дунё бўйлаб сотилади.

— Чиройли шиша идишидан ташқари, махсус елим ҳалқага эга бўлган қопқоғининг борлиги ҳам "Tuborg Green"нинг ажралиб турувчи хусусияти ҳисобланади, — дея таъкидлайди Sarbast Plus қўшма қорхонасининг маркетинг бўйича директори Андерс Лассен. — Айнан мана шу халқа пивони мосламаларсиз очиш имконини беради.

Tuborg Green савдо белгисини мамлакат ички бозорига киритиш Sarbast Plusнинг импорт ўрнини босишга йўналтирилган тадбирларидан биридир. Tuborg Green Ўзбекистонда янги яшил ранг шиша идишда ҳажми 0,5 литрда ва куйиб сотиладиган Draught Master тизимида тақдим этилади.

Хуснида НАИМОВА.

Нўқтаи назар МАРКАЗИЙ ОСИЁ СУВ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИДАН ФойДАЛАНИШ МУАММОЛАРИГА ДОИР

СўНГИ пайтларда Россия оммавий ахборот воситаларида Марказий Осиёда сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш мавзусини сунтий равишда кўпиритишга алоҳида ургу берила бошланди. Жумладан, яқинда Россия билан Тожикистон Роғун ГЭСини қуриб битказиш тўғрисида ҳужуматларо битим имзолаш ҳамда камида 75 фоизи Россия, 25 фоизи эса Тожикистон уллушига тўғри келувчи очик акциядорлик жамияти шаклидаги халқаро компанияни таъсис этиш масаласини ишлаб чиқаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди.

Бундан мақсад — жамоатчилик фикрини Россияга қулай равишда шакллантиришдир. Пировард мақсад эса Роғун ГЭСини ва, умуман, Марказий Осиё сув-энергетика ресурсларини назорат остига олишдан иборат.

Тожикистон ва Қирғизистон раҳбариятининг эгоцентрик сув-энергетика сиёсати қандай хатарила ва фожиалий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, улар нима қилиб бўлса-да, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмларида гидроиншоотлар қурилишини амалга ошириш орқали арзон электрэнергия олиш ва уни, аввало, Жанубий Осиё мамлақатларига экспорт қилишга интиломоқда. Лекин шу билан бирга улар минтақадаги экологик вазиятнинг тиклаб бўлмас даражада ёмонлашиши натижасида юзага келадиган жиддий оқибатлар ва миллионлаб одамларнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлиги билан мутлако ҳисоблашмайпти.

Ушбу муаммо натижасида келиб чиқши мумкин бўлган оқибатларга жажон ҳамжамияти эътиборини жалб этмаслик учун Россия ҳукумати вакиллари мазкур масалани муҳокама қилишдан ўзларини олиб қочмоқда. Барчанинг кўз ўнгига руй бериб, минтақа аҳолисининг генофондига салбий таъсир қўрсатаётган Орол денгизининг қуриши билан болгик муаммо йўқдай, гўё. Амударё муаммосининг Қозогистонга дахли йўқ эканини ўқтиришга қаратилган савй-харакатлар ҳам амалга оширилмоқда.

Аслида эса ёлгоннинг қаттаси айнан шу ерда яширинган. Негаки, Қозогистон ушбу дарёлар оқимининг энг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, сув унинг худудига ҳаммадан кейин етиб келади. Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи ягона сув-экология тизимини шакллантириши инобатга олинса, табиийки, сув ҳажмининг камайиши ва экологиянинг ёмон-

лашуви, аввало, Қозогистонга салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун Остона Тўхтағул ва Роғун сув омборларидан келаётган сув ҳажмининг камайиши жиддий муаммоларга олиб келмайди, деб ўзини ўзи ишонтирама ҳам бўлаверади.

Ўзбекистон ҳар йили ўзининг ички дарёларида Қозогистонга 700 миллион кубометр сув етказиб беради. Табиийки, суғорма сув таъқислиги юзага келса, Ўзбекистон ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бу сувни ўз эҳтиёжй учун ишлатади.

Натижада, Қозогистон Тўхтағул каскадидаги Қамбарота-1 ва Қамарота-2 сув иншоотларининг қурилиши натижасида юзага келадиган танқислик туфайли сувни нафақат мазкур йўналиш орқали, балки Ўзбекистон худудидан ўтадиган дарёлардан келадиган сувни ҳам оломай қолади.

Бу мураккаб муаммони ечишининг фактгина бир йўли бор. У мазкур масала атрофида ҳар хил сиёсий уйинларни ўйнамасдан, БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган тегишли декларацияга қатъий амал қилишдан иборат. Аввало, БМТ шафёлигида қуйидаги икки саволга жавоб олиш учун мустақил халқаро экспертиза ўтказиш лозим. Биринчидан, Амударё билан Сирдарёнинг юқори оқимида сув иншоотларининг қурилиши натижасида салбий экологик оқибатлар келиб чиқилишининг олдини олиш. Иккинчидан, трансегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарё оқимларининг қуйи қисмида жойлашган мамлақатлар оладиган йиллик сув ҳажмларининг камайишига йўл қўймаслик.

Фақат шундан сўнггина минтақада Роғун ГЭСи ва бошқа сув иншоотларининг қуриш масалаларини ҳал қилиш лозим.

Болат ЖАНҚУЛИЕВ, Geo.kz интернет-газетаси, 28 июль.



ЯНГИ ўқув йилига ШАЙ

— Айни кунларда мактабда сўнги ободонлаштириш, жиҳозлаш ишлари олиб бориламоқда, — дейди мактаб директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочи Низомиддин Ботиров. — Бу йил мактабимиз Осиё Тараққиёт банкнинг имтиёзли грантига сазовор бўлди. Яқинда 22 минг

АҚШ доллар миқдоридаги грант ҳисобидан компьютер жиҳозлари тўплами келтирилди. Иситиш тизimini ҳам тўлиқ таъмирдан чиқардик. Бу ишларда тумандаги "Бурхон" фермер ҳўжалиги ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда.

СУРАТДА: (ўнган) мактаб директори Низомиддин Ботиров ҳомий фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Дишод Курбонов билан навбатдаги амалий режалар хусусида фикрлашмоқда.

Саид ҲАСАНОВ. Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва қорхоналари диққатига!

"ПАХТА НЕФТЕБАЗА"

УНИТАР ҚОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Тошкент виллояти, Чиноз тумани, Пахта кўргонида жойлашган Пахта нефтебазасининг АБК биносини капитал таъмирлаш".

Таъмирлаш муддати 6 ой.

Қурилиш ишлари: ўз маблағларидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Тошкент виллояти "Тошконтсалтингстройторг" давлат унитар қорхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент виллояти, Чиноз тумани, Пахта кўргони. Телефонлар: (3712) 233-11-25, 233-68-55.

лари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент виллоятининг "Тошконтсалтингстройторг" давлат унитар қорхонасининг қуйидаги манзилига муружаат қилишлари мумкин: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Тел/факс: 308-75-15, 306-97-17.**

Танлов ҳужжатларининг бир тўпلام қиймати — 100 000 (юз минг) сўм.

Тақлифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати офёрталар очилиш куну ва соатигача. Тақлифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент виллояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлисар залида ўтказилади.

ХАЛҚАРО МАКТАБНИНГ НАВБАТДАГИ МАВСУМИ

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ Паркент туманида Халқаро аэрокосмик мактабнинг навбатдаги — йирирманчи мавсуми бошланди. Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур машғулотларнинг очилиш муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда олимлар, авиация ва космонавтика соҳаси мутахассислари, ўқувчи ёшлар иштирок этди.

"Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ бу борадаги эзгу ишлар қамрови янада кенгаймоқда. Дастурда илм-фан, маданият, санъат, спорт каби барча соҳаларда билимли,

лар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган Халқаро аэрокосмик мактабда авиация, космонавтика каби йўналишларда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва қасб-хунар коллежларидан ўттиз нафар ўқувчи қатнашмоқда.

Б августга давом этувчи Халқаро аэрокосмик мактабда олимлар, мутахассислар, ўқувчилар иш-

тироқида соҳага онд илмий, амалий машғулотлар, ажуман ва семинарлар, спорт мусобақалари, қизиқарли маданият-маърифий тадбирлар, интеллектуал бellowлар, қўрик-танловлар ўтказилади. Ўқув машғулотлари якунида авиакосмик моделлаш бўйича энг яхши лойиҳа яратган ёшлар аниқланади.

Ўза.

Жаҳонда

ДАВОМАТ ЭНДИ НАЗОРАТДА
Буюк Британиядаги ўқув муассасаларида тақсирли олаётган хорражик талабаларнинг давома-ти кучли назорат остига олинади, деб хабар беради РАТА-ТАСС.

Маълумотларга қараганда, сўнгги вақтда мамлакатга билим олиш мақсадида келган чет эллик талабаларнинг кўпчилиги дарсларга қирмай қўйган.
"Таймс" газетасининг ёзишича, Британия ҳукумати мазкур ҳолатни бартараф

этиш мақсадида янги қарор қабул қилди. Унга қўра, университетлар ва коллежлар раҳбарияти ўн соат дарс қолдирган хорражик талаба ҳақида мамлакат миграция хизматига маълум қилади ва унга нисбатан тегишли жазо қўлланилади.

УЧУВЧИЛАР РОССИЯДА

Россияда "Авиация - 2008" халқаро авиация кўргазмаси очилди.

Унда ўнга яқин мамлакатдан қирқдан зиёд фирма ва компания ўз махсудларини ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Ташкилотчиларнинг

оўзларига қўра, кўргазма доирасида авиацион техника тараққийига оид кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши режалаштирилган.

«ФУН ВОН» БЎРОНИ ТАЛАФОТИ

Хитойда бир неча кундан буён давом этаётган кучли "Фун Вон (Феникс)" бўрони оқибатида беш киши ҳаётдан қўз юмди, қирққа яқин одам жараҳатланди.

Маълумотларга қўра, соатига олтиш километр тезликда асаётган кучли шамол оқибатида, айниқса, Фуцзянь, Хэйцзянь ва Цзянсу туманларига катта зарил етган. Электр узатиш тармоқлари ишдан чиққан,

бир ярим мингдан зиёд тураржой биноси ва қўплаб ишшоотлар vayрон бўлган. Мамлакат қўтқарув хизмати кучли иш тартибига ўтган. Сақийз зўи мингта яқин киши ҳавфсиз жойларга кўчирилмоқда.

ҲАРАКАТЛАР ЗОЕ КЕТМАЙТИ

Дунёда ОИТСга чалинганлар сони ўттиз уч миллионга етди. Бу ҳақда БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури (ЮНЭЙД) маълум қилди.

Хабарларга қараганда, 2007 йилда сайерамида икки ярим миллиондан зиёд киши ОИТСга чалинган. Касалланганларнинг ундан икки киши Жанубий Африка мамлакатларида яшайди. Маълумотларга қўра, Замбия, Зимбабве, Лесото, Малави, Мозамбик, Свазиланд ва Намибияда мазкур бадаво хасталикка чалинган беморлар сони кескин ошиб бормоқда. У ерда одамларнинг ундан

бири ОИТСни юқтирган. Айна вақтда уларнинг сони 22,5 миллионга етган.
Мутахассисларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда ушбу хасталикни бартараф этиш йўлида олиб борилаётган сай-ҳаракатлар икбий натижадор бермоқда - касалланганлар сони камаймоқда ва улар орасида ўлим кўрсаткичи пасаймоқда.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 9 columns: DUŞANBA 4, СЕШАНБА 5, ЧОРШАНБА 6, ПАЙШАНБА 7, ЖУМА 8, ШАНБА 9, ЯҚШАНБА 10. Each column lists TV programs and their start times.

Спорт Спорт




ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙМИЗ

РЕСПУБЛИКА "Маҳалла" жамғармаси, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ҳар йили маҳалла ёшлари ўртасида "Футболчи келажаги" республика мусобақаларини ўтказиш яхши анъанасага айланган.

Пири бадавлатларимиз

Бир кам тўқсон йил умр кўрган Тошкент туманилик пири бадавлат Раҳима ая Тошметова (ўртада) ҳар сафар 95 ёшли опаси Марям момони зиёрат қилгани борганида, ўзининг ўн ўғил ва бир кизи, 48 невараси ва 79 чеварасидан оғиз очмай, эндигина тетапоя қила бошлаган илк эварасини алқгани-алқавгани.

Даврон АХМАД олган сурат.



Фавқулодда ҳолиса

АСИДА ҲИММИЗ САБАБЧИМИЗ

Шом пайти кўшни хонадонда тўс-тўполон кўтарилди. Майрамхон жон ҳолатда уларни қўчиб, ҳалок бўлган йилги фожиясини эслади. У сузишни яхши билмас экан, сув ўрағига тушиб қолиб, нобуд бўлибди.

ризмизнинг чўмилиш тартибларини, айниқса, сузишни билмасликлариди. Ҳақ гап. Бизнинг иссиқ ўлкада ёз ойлари болалар тўда-тўда бўлиб анҳор, канал, кўл ёки сув омборларига чўмилишни ёқтиришади.

бор бассейнлардан етарлича фойдаланилмайди, улар ёз бўйи қақраб ётади. Ҳеч эсимдан чиқмайди, деди Дилмуроднинг маррасида меҳнат фахрийси Ҳошим Раҳматов. Биз яшаган Тўлқўрғонда кўнлар исиб, сув илши билан аммикачилар маза қилиб чўмилишди.

Бу йил 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги мазкур мусобақанинг тўртинчи босқичига Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари мезбонлик қилди. Чирчиқ олимпиада захиралари коллежиде ташкил этилган навбатдаги босқич урғашувлари қизгин ва шиддатли дақиқаларига бой бўлди.

Шамиль Яфаров. - Бу йил вилоятимиз футболчилари якуний босқичга йўлланманни кўлга кирита олмаган бўлишсада, кучли жамоалар билан майдонда деярли тенгма-тенг тўп суришди.

Хуррият МҲМИНОВА. СУРАТЛАРДА: ғолибликни тақдирлаш пайти.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



«EVORA» ФЕСТИВАЛИДА

ПОРТУГАЛИЯНИНГ Эвора шаҳрида ўтказилган «Evora» XIV Анъанавий Халқаро мумтоз мусика фестивалида ўзбекистонлик ёш иштирок этишди. Унда «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси илк бор Марказий Осиё минтақасидан расмий ҳамкор сифатида қатнашиб, «Келажак овози» танлови республика босқичи ғолиби Ш. Омоново, «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреатлари И. Мирсотова ва Ю. Мирсамова, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Зиёева, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси талабаси И. Арабовнинг иштирокини таъминлади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

МАЙДОНДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ

ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш ҳодимлари касоба уюшмаси ташаббуси билан саломатлик спорткадасини ўтказиш яхши анъанасига айланган. Бу йил еттинчи марта ўтказилган мусобақаларнинг ҳудудий саралаш босқичлари давом этмоқда.

Рассом ханласи



— Ия, пляжда нима қилиб юрибсиз ошна, бу дейман чўмилигани келдингизми, а? — Йўқ. Янги очган фирмамга котиба излаяпман.

ОАО "ТашОр" Хамзинского района г. Ташкент проводит 5 августа 2008 года в 10.00 ВОСА акционером со следующей повесткой дня: 1. Добровольная ликвидация ОАО "ТашОр".

Одамийлик шеваси

Меҳр... Инсон рухиятининг минг бир жилосини шу биргина сўз орқали тўшунганимиз учун мўъжиза-кор она тилимдан жуда миннатдорман. Кишиларни меҳр-оқибатли бўлишга ундаш орқали қалб кўзимиз кувоняпти, дилларимиз ором оляпти.

— Пулим бор, амаки, деди олдидан чопиб келган болакай кўзларини жовдиратиб, қўлидаги 100 сўмликини кўрсатаркан. — Ундай бўлса, сен чиқ! Биринчи бола олд эшикдан чиқиси билан автобус жойидан кўзгалди. Бола ўртоғини ҳам автобуска чиқди деб ўйлади чоғи, ўгирилиб қаради. Кўрсаки, шериги пастда унга қўл силтаган караб турарди.

— Тўхтатинг, амаки. Мен тушиб қоламан, деди бола ҳайдовчига ҳам буйруқ, ҳам илтижоли оҳангда. — Ахир ўртоғим нима дейди, хаффа бўлади-ку! О-о, болакай! Сен ўртоғининг андишанини қилиб, автобусдан тушиб, пиёда юришликни афзал билдинг. Сенинг бу ишинг чиптачига, ҳайдовчига, автобусда бу холатга бамайлихотир караб турган ўндан ортқ катталарга ибрат бўлса арзийди.

АНДИШАНИНГ ОТИ НИМА?



Аллома АЗИЗОВА.

Шундан кейин

ЯНА БИР ИХТИРО
ЯПОНИЯНИНГ оптик технологиялар ишлаб чиқарувчи "Хамамачу Фотоникс" компанияси дунёда энг қиска тўлқин узунлигига эга яримтўлқин лазер ишлаб чиқара бошлади. Мазкур янги технология ёрдамида юқори сизимдаги рақамли дискларни тайёрлаш мумкин. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур ультракоренафа лазернинг тўлқин узунлиги 342,3 нанометрга (бир нанометр — метрнинг миллиарддан бир бўлаги) тенг. Яримтўлқин азот, алюминий ва галлийдан тайёрланган. Бундан аввал энг қиска тўлқинли лазер 350,9 нанометрга тенг бўлган.

ЎТ-ЎЛАНДАН ПОЙАБЗАЛ
БҲОК БРИТАНИЯДА дунёда биринчи марта ўт-ўландан пояабзал тайёрланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, "Кей-Кей" компанияси томонидан кашф этилган ўшбу оқ кийим юрши учун жуда қулай. Маълумотларга қараганда, агар ўтлар мунтазам намулла турлиса, пояабзал ўз эгасига тўрт ойгача хизмат қилиши мумкин.

Яққасарой туманидаги "FARMUS" масъулият чеklangan жамияти (ИНН 203777085, ОКПО 18307590) ТУГАТИЛАДИ.

Даволар эълон чиққан кундан бошлаб 770-98-45 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ташкент вилояти ҳокимлигининг "TOSHNUUR" ҳужжали ҳисобидаги итисошлатирилган давлат унитар корхонаси Ташкент вилояти ҳокимлигининг "TOSHNUUR" корхонасига айлантирилиши муносабати билан низом фонди 302685020 сўмдан 64739093 сўмга камайганлигини маълум қилади.

ООО "GEO COMPUTER TECHNOLOGIES" (ОКПО 22453297) преобразуется в частное предприятие "GEO COMPUTER TECHNOLOGIES". ЧП "GEO COMPUTER TECHNOLOGIES" становится правопрепреемником всех долгов и обязательств ООО "GEO COMPUTER TECHNOLOGIES". Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода объявления по адресу: г. Ташкент, Чиланзар-3, дом 18.

TOШKЕНT ҲАҚИҚАТИ TАШKЕНTСKАЯ ПРАВДА
Мӯассиси: ТОШKЕНT ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош мӯҳаррир: Убайдулла АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекулта ва эълон берувчилар масъулдир.